

*Ж.Т. Йўлдошев,  
стажёр-тадқиқотчи-изланувчи,  
ТДИУ*

## **КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ТАДБИРКОРЛИК МАБЛАҒЛАРИНИНГ ЎРНИ**

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашда молиявий бошқарувни тубдан ислох этиш йўлида, таълим тизимининг барча бўғинларида моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, янги ўқув адабиётларини яратиш, энг асосийси, кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш учун таълим тизимини бошқаришда молиялашни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш зарурдир.

Кўпчилик ҳолларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш уч асосий масала ёки муаммога алоқадор бўлади:

- юқори малакали кадрларни сифатли тайёрлашнинг очиқлиги;
- таълим сифати;
- ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги.

Ўзбекистонда таълим тизимининг молиявий бошқарувини такомиллаштириш орқали малакали кадрлар тайёрлашнинг янги бошқарув тузилмаларини ташкил этиш ва бошқарувнинг замонавий шакл ва усулларидан фойдаланиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бюджет ва бюджетдан ташқари мабағлардан фойдаланиш самарасини ошириш олий таълимни молиялаштириш тизимини такомиллаштиришнинг зарур шартларидан ҳисобланади. Шу муносабат билан билим даражасини ошириш, молиявий маблағларни шакллантириш ва сарфлашнинг самарали шакли ва тартибидан фойдаланиш, уларни амалда жорий этишни ошириш айниқса муҳимдир.

Таълим сифати муаммоларини ҳал этишда тизимли йўналишдан фойдаланиш керак. Барча омилларни биргаликда бошқариш лозим. Бу занжирдан бирон-бир омилни тушириб қолдириш таълим сифатини бошқариш тизимида бузилишга олиб боради.

Ҳозирда таълим тизими иқтисодиёт ривожланишининг энг муҳим омили ҳисобланади деб, тўғридан-тўғри айтилмоқда ва Япония, Европа мамлакатлари ва бошқа давлатлар мисол қилиб келтирилиб, таълим иқтисодиётга нисбатан бирламчи эканлиги кўрсатилмоқда. «Вазиятни аниқлаштириш»га имкон берувчи бир мулоҳазани келтириб ўтамыз. Иқтисодиётнинг (ёки ишлаб чиқаришнинг) ривожланишига туртки бериш учун бир нечта маълумотли кишиларнинг ўзи етарли бўлади. Бироқ шу турткини янги ишлаб чиқаришлар, технологиялар, маҳсулотлар ва ҳоказолар яратиш кўринишида беришга қодир бир нечта маълумотли кишилар пайдо бўлиши учун уларнинг орасида бу қобилиятли одамлар ажралиб туриши мумкин бўлган кўпгина кишиларни ўқитиш зарур. Бундан ташқари, янги ишлаб чиқаришларнинг фаолият юритишини бу ишни бажара оладиган кишилар, яъни зарур билим, маҳорат ва кўникмаларга эга мутахассислар таъминлаши лозим. Демак, юқори малакали

кадрлар тайёрлашсиз иқтисодий ўсиш ҳақида гапиришга ҳожат йўқ. Бу маънода кадрлар тайёрлаш тизимининг бирламчи эканлиги, унинг иқтисодиётни ривожлантириш мақсадлари учун устувор эканлиги ҳақида гапириш ўринли бўлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар халқ фаровонлигини ошириш, инсонни ҳар томонлама камол топтириш, маънавий юксалтириш, шахс манфаатларини рўёбга чиқариш шароитлари ва таъсир механизмларини яратишга қаратилган. Шу боис ҳам ҳозирги кунда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этаётган долзарб муаммолардан бири деб қаралмоқда.

Ўзбекистон Давлат мустақиллигига эришиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб олиши кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини қайта қуриш борасида қатор чоратadbирларни кўришни талаб қилди. Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини шаклланаётган бозор, шу жумладан, меҳнат бозори талабларига мослаштириш ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этди.

Ҳозирги кунда республикамиз олий таълими тизими (баъзи ОТМлари филиалларини ҳисобга олмаганда)<sup>66</sup> олий ўқув юртини ўз ичига олади, уларда 2009/2010 ўқув йили ҳолатига 286,2 минг талаба тахсил олмоқда. Бундан ташқари Тошкент шаҳрида Вестминстр университетининг филиали, Г.Плеханов номли Россия иқтисодиёт университетининг филиали, М.Ломоносов номли Москва Давлат университети филиали, Губкина номли Россия нефть ва газ университети, Сингапур менежмент ривожланиши институт филиали ва Турин политехника университети филиаллари фаолият юритмоқда.

Уларнинг ўсиш даражасини 1-жадвалда кўришимиз мумкин. Ушбу олий таълим муассасалари сони 1995 йилга нисбатан 12,2 фоизга ўсган. Олий ўқув юртларида ишлаётган 18,5 минг ўқитувчининг 52 фоизи фан доктори ва фан номзодларидир. Олий таълимда кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан ҳуқуқий йўналишга ўтказиш иши олиб борилмоқда, ўқув юртларининг тармоғи кенгаймоқда, университет таълими ривожланмоқда.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари ва талабаларнинг сони тўғрисида маълумот

ОТМ номи	Йиллар												
	1997\1998й.	1998\1999й.	1999\2000й.	2000\2001й.	2001\2002й.	2002\2003й.	2003\2004й.	2004\2005й.	2005\2006й.	2006\2007й.	2007\2008й.	2008\2009й.	2009\2010й.
ОТМларда талабалар, минг киши	158,2	158,7	166,5	183,6	207,2	232,3	254,4	263,6	278,7	286,3	296,6	297,9	286,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

<sup>1</sup> Статистический сборник. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. - Т.: Узбекистан, 2011.

Бугунги кунда турли олий ўқув юртларининг 35 таси ёки қарийб ярми минтақаларда жойлашган, бу эса кадрлар тайёрлашнинг ушбу тури очиклигини оширишга хизмат қилиши лозим. 2008/2009 ўқув йили ОТМдаги талабалар умумий сони 297,9 минг кишини ташкил этди.

Миқдорий кўрсаткичлар ўзгараётган бир пайтда олинадиган ихтисосликлар йўналиши бўйича талабалар сони таркиби ҳам ўзгармоқда. Мамлакат олий ўқув юртлари орасида 22 та ОТМ кадрлар тайёрлаш соҳаси учун, 15 та ОТМ – саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳалари учун, 5 та ОТМ – тиббиёт учун, 4 та ОТМ - қишлоқ хўжалиги учун, 9 та ОТМ – иқтисодиёт ва ҳуқуқ соҳаси учун, 7 та ОТМ – бошқа соҳалар учун мутахассислар тайёрлаб бермоқда.

2007 йил 286,3 мингта талабадан 273,7 мингтаси бакалавриятда ва 12,6 минг киши – магистратурада таҳсил олган. Бакалавриятда пуллик-шартнома асосида талабаларнинг 69%, магистратурада эса 75%и ўқимокда. Кадрлар тайёрлашдаги тузилмавий ўзгаришлар ўрта умумтаълим, ўрта махсус таълим ва касбий таълимнинг ислоҳ этилиши сабабли алоқа соҳаси мутахассисларига талабнинг ўсганлиги, қишлоқ хўжалигидаги тузилмавий ислохотлар, хизматлар соҳасининг кенгайиши ва бошқа соҳаларда янги ихтисосликларга талабнинг ортиши билан асосланади.

## 2-жадвал

### ОТМларга тармоқ гуруҳлари бўйича мутахассислар тайёрлаш (%)

Тармоқлар	2000\  2001й.	2001\  2002й.	2002\  2003й.	2003\  2004й.	2004\  2005й.	2005\  2006й.	2006\  2007й.	2007\  2008й.	2008\  2009й.
ОТМлари тайёрлаган мутахассислар	36,0	39,8	45,5	52,8	57,8	60,7	73,2	82,9	71,8
<b>Шу жумладан ОТМларига:</b>									
Саноат ва қурилиш	5,4	5,7	6,4	7,7	7,7	8,5	10,3	11,6	8,7
Қишлоқ хўжалиги	2,7	3,1	3,1	3,4	4,1	3,7	4,2	4,4	3,2
Транспорт ва алоқа	1,9	2,1	2,5	2,6	2,9	3,5	3,9	4,5	4,0
Иқтисодиёт ва ҳуқуқ	2,6	3,3	3,1	5,7	6,8	7,2	7,1	8,4	8,6
Соқликни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт	2,3	2,5	2,8	3,0	3,5	3,7	4,0	4,4	4,2
Маориф	20,8	22,7	27,2	30,0	32,1	33,4	42,9	49,2	42,3
Санъат ва кинематография	0,3	0,4	0,4	0,4	0,7	0,7	0,8	0,8	0,8
10 минг аҳолига тайёрланган мутахассислар	14,0	16,0	18,0	20,0	22,0	23,0	27,0	30,4	25,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Ўзбекистонда мустақилликнинг 20 йили давомида таълим соҳасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида изчил ўзгаришлар амалга оширилди. Республикамининг кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш даражасига эришиши лозим бўлган мукамал тизимни яратишга йўналтирилган. Республикадаги малакали кадрлар тайёрлаш бутун бошли тизимини яратиш ва ривожлантириш

стратегияси жамият ва давлатнинг малакали рақобатбардош кадрларга эҳтиёжини таъминлашни назарда тутди. Ушбу стратегия тизимли-тузилмали ёндашув асосига қурилган бўлиб, кадрлар тайёрлаш тизими миллий моделининг самарали ишлашига имконият яратиб берувчи тамал принциплар, бош йўналиш ва шартлар воситасида рўёбга чиқарилади.

Тараққиёт йўлидан ўтаётган ҳар қандай жамият юксак миллий тафаккур, касб-маҳоратга эга кадрларга кучли эҳтиёж сезади. Кейинги йилларда малакали мутахассис ходимларга талаб кескин ошди, сифат ва миқдор кўрсаткичлари ўзгарди, ишга қабул қилувчилар кўп ҳолларда ходимнинг ишнинг қай даражада билиши, касбий маҳоратига эътибор берилмоқда.

Бугунги шароитларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини бошқаришнинг энг муҳим хусусияти шуки, кадрлар тайёрлаш муаммолари фақат таълим тизимининг ўзидагина ҳал қилинмаслиги керак. Ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши умумдавлат сиёсатининг таркибий қисмига айланиб бормоқда ва улар ижтимоий ҳаётнинг (жамият ҳаётининг) барча жабҳаларини қамраб олувчи йирик ҳукумат дастурларининг ажралмас қисмига айланиши лозим.

Давлатимиз ҳукумати томонидан ёшларни баркамол етук мутахассис этиб тайинлашга катта эътибор қаратилмоқда, жумладан 2010 йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1426 - сонли қарори тасдиқланди. Ушбу қарорга асосан, аспирантура ўрнига - таълим муддати 3 йилдан иборат бўлган стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтини ҳамда докторантура ўрнига - тадқиқот соҳасига кўра таълим муддати 2-3 йилдан иборат бўлган катта илмий ходим-изланувчилар институтини ташкил этиш назарда тутилган.

Таълим, шу жумладан, олий мактаб ривожланиши кўрсаткичлари молиявий аспектлар, ёшларни таълим хизматлари билан қамраб олиш ва битирувчилар бандлигини кенгайтириш, турли йўналишдаги таълим муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича яхши томонга ўзгармоқда. Кейинги йилларда ЮНЕСКО таълим бўйича конференцияларни айнан Ўзбекистонда бир неча бор ўтказганини ҳам тасодифий эмас – бу миллий таълим модели ютуқлари ва долзарблиги эътироф этилишидир. Ўзбекистон Республикаси бошқа мамлакатларга қиёсан олганда инсон тараққиёти кўрсаткичлари борасида ҳам фарқланиб туради. Аммо кадрлар тайёрлаш учун сарф-харажатлар ўсиши нафақат бюджетдан молиявий маблағларни кўпайтириш, балки шаклланиш механизми етарлича тадқиқ этилмаган бюджетдан ташқари янги манбалар билан ҳам таъминланди.

Айни пайтда таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда хорижий тажрибадан самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан республика иқтисодий таълим тизими

бошқарувида қай даражада амалий, замонавий усуллар қўлланилишига боғлиқ, чунки бу қадар тез ривожланиб, мураккаблашиб бораётган тизим фаолиятида бошқарувнинг роли сезиларли даражада ортиб боради.

Кадрлар тайёрлаш соҳасига, яъни мамлакат аҳолисининг таълимга маблағ сарфлаш “Инсон капитали”ни инвестициялаш ҳисобланади, чунки инвестиция деганда, келажакдаги натижа учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки қайта қуриш билан бирга, мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишларини олиб боришга жалб этилган молиявий маблағлар ҳам тушунлади. Жамият, давлат бундай инвестициядан манфаатдор, чунки таълим даражасини ошириш иқтисодий ўсишни таъминлайди, меҳнат унумдорлиги ва бандик даражасини оширади, бир қатор ижтимоий муммоларни бартараф этади. Шунинг учун таълимга йўналтирилган молиявий ресурслар улуши устувор ҳисобланади.

Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, Ғабий Европа миллий бойлигининг таркибида асосий ишлаб чиқариш фондлари (бинолар ва иншоотлар, машина ва жиҳозлар) ва табиий ресурслар жами 23,2 фоизни ташкил этса, инсон капитали 74 фоизга тенг. Шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатлар ва маҳаллий илғор корхоналар тажрибасига кўра, персоналга инвестиция киритиш юқори натижалар беради. Ҳозирги кунда инсон ресурсларига киритилган 1АҚШ доллари ўртача ҳисобда 3 доллардан 8 долларгача даромад олиб келади<sup>2</sup>.

Таълимни молиялаштиришнинг тўғри йўлга қўйилиши кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва такомиллашишига таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Кадрлар тайёрлаш тизимини молиялаштиришда давлатга тегишли ролнинг асосини иккита белгиловчи омил ташкил этади. Улардан биринчиси – фуқароларни ялпи таълим олиши учун давлатнинг масъулияти бўлса, иккинчиси – ушбу масъулиятни жамият билан ўзаро тақсимлашдир, чунки жамиятнинг ривожланиши мамлакатнинг таълим салоҳиятига боғлиқдир.

Таълимни маблағ билан таъминламай, узлуксиз таълим тизимини ислоҳ этишда, малакали кадрлар тайёрлашда муваффақиятга эришиб бўлмайди. Ўзбекистонда малакали кадрлар тайёрлашда молиявий бошқарувни тубдан ислоҳ этиш йўлида, олий таълим тизимида моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, янги ўқув адабиётларини яратиш, энг асосийси, кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш учун таълим тизимини бошқаришда молиялашни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш зарурдир.

ОТМнинг молиявий фаолиятини янада рағбатлантириш ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимиз ҳукумати томонидан амалга оширилаётган қатор чора-тадбирлардан яна бири, Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1533-сонли қарорининг қабул қилинишидир. Ушбу қарор ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан бой

<sup>2</sup> Р.Нуриббетов, Бошқариш самарадорлигини баҳолаш. Жамият ва бошқарув, 2010 йил 4-сон.

шахсни шакллантириш ҳамда юқори малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборат стратегик мақсадга эришиш учун асос бўлди ва замин яратди.

Қарордан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш»дир.

Мустақилик йилларида ижтимоий соҳа бўйича Давлат бюджетининг харажатларидаги улуши ортиб келмоқда. Шу жумладан, таълим тизими учун ЯЧМдаги улуши 1990 йилда 17,9% бўлган бўлса, 2010 йилга келиб, 33,3 %га етди.

### 3-жадвал

#### Давлат бюджети харажатлари тузилмасидаги ўзгаришлар динамикаси (%)<sup>3</sup>

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил
<b>Жами харажатлар</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
1. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб - қувватлашга	31,5	42,5	59,0
Шу жумладан:			
таълимга	17,9	23,2	33,3
соғлиқни сақлашга	10,0	8,7	12,8
2. Иқтисодиёт	40,7	9,2	11,3
3. Инвестиция	16,6	20,4	6,4
4. Бошқа харажатлар	11,2	27,9	23,3

Ҳозирги кунда иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизациялаш шароитида олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан олий таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш усул ва шакллари кенгайтириш бўйича ишлар олиб бормоқда. Олий таълим муассасалари, уларга давлат томонидан бериб қўйилган мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи таъсирчан йўллардан биридир. Бу уларнинг берилган мулкдан тўлиқ бегоналашмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишига катта имкониятлар яратади.

<sup>3</sup> Статистический сборник. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. - Т.: Узбекистан, 2011.

Республикада иқтисодий ислохотлар ўтказиш даврида таълим тизимини молиявий соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши, бюджетдан ташқари маблағ, яъни тадбиркорлик фаолиятдан маблағларни жалб этиш ҳисобига молиялашнинг янги манбаидан фойдаланиш ҳисобланади. Бу чора олий таълимни жаҳон миқёсида ривожлантиришнинг объектив қонунияти ҳисобланади.

Шундай экан, Ўзбекистонда таълим тизимининг молиявий бошқарувини такомиллаштириш орқали малакали кадрлар тайёрлашнинг янгича бошқарув тузилмаларини ташкил этиш ва бошқарувнинг замонавий шакл ва усулларидан фойдаланиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бунинг учун, аввало, таълим тизимини давлат томондан молиявий қўллаб-қувватлаш, мавжуд маблағлардан самарали фойдаланиш ҳамда таълим муассасаларига бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишни такомиллаштириш муҳим ўрин тутди.

Республикада иқтисодий ислохотлар ўтказиш даврида таълимни молиявий соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши бюджетдан ташқари маблағлар, яъни тадбиркорлик фаолияти орқали маблағларни жалб этиш ҳисобига молиялашнинг янги манбаидан фойдаланиш ҳисобланади.

Фикримиз, олий таълим тизимини молиявий томондан такомиллаштириш учун бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланиш, маблағларни тежаш ва мақсадли фойдаланиш тизимни молиялаштиришнинг хорижий тажрибаларини татбиқ этиш, тизимни молиялаштиришда тадбиркорлик маблағларини жалб этиш самарадорлигини ошириш, тизимни молиялаштиришда молиявий-иқтисодий фаолият барқарорлигини таъминлаш, ҳомийлар маблағларини кенгроқ жалб қилиш, васийлар кенгаши фаолияти самарасини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва бошқа зарурий тадбирларни амалга ошириш лозим.